



Hokim yordamchisining “Obod va xavfsiz mahalla” tamoyili asosida ishlash bo’yicha funksional majburiyatlari cheklisti

Ҳоким ёрдамчисининг “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида ишлаш бўйича
функционал мажбуриятлари

**а) бандлиги таъминланмаган меҳнатга лаёқатли бўлган,
шу жумладан доимий даромад манбаига эга бўлмаган
шахсларни ижтимоий мослаштириш бўйича амалга
оширадиган ишлари:**

- ҳудудий профилактика инспекторининг хулосаси асосида маҳаллада бандлиги таъминланмаган меҳнатга лаёқатли бўлган ва доимий даромад манбаига эга бўлмаган шахсларнинг рўйхатини шакллантириш;
- ушбу шахслар бўйича алоҳида йиғмажилд (хулоса, муҳокама баённомаси, эришилган натижа бўйича маълумотнома) юритиш;
- уларнинг қобилияти ва касбий лаёқатини ўрганиш ва уларни ечимини топишга ваколати доирасида ҳар томонлама кўмаклашиш;

- бандлиги таъминланмаган меҳнатга лаёқатли бўлган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича манзилли чораларни кўриш, шу жумладан меҳнат ярмаркаларида иштирок этишини таъминлаш;
- бандлиги таъминланмаган меҳнатга лаёқатли бўлган шахсларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўргатувчи ўқув марказларига юбориш бўйича барча зарур ҳаракатларни амалга ошириш;
- бандлиги таъминланмаган меҳнатга лаёқатли бўлган шахсларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш;
- бандлиги таъминланмаган меҳнатга лаёқатли бўлган шахсларга дастурлар доирасида кредитлар олишга ҳар томонлама кўмаклашиш;
- тадбиркорлик фаолияти билан мустақил шуғулланиш тажрибасига эга бўлмаган шахсларни, ўз фаолиятини йўлга қўйиши учун етакчи тадбиркорларга бириктириш чораларини кўриш;
- бандлиги таъминланмаган меҳнатга лаёқатли бўлган шахсларга томорқаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, уй шароитида деҳқончилик, чорвачилик ва бошқа шу каби фаолият турларини йўлга қўйишга кўмаклашиш;
- бандлиги таъминланмаган меҳнатга лаёқатли бўлган шахсларга тадбиркорлик ва доимий даромад келтирувчи фаолият билан шуғулланиши учун қонунчиликда белгиланган тартибда субсидиялар олишда ёрдам кўрсатиш;
- бандлиги таъминланмаган меҳнатга лаёқатли бўлган шахсларга кичик интенсив боғдорчилик ва деҳқончилик билан шуғулланиши учун

ер майдони ажратиш мақсадида қонунчиликда белгиланган тартибда тавсияномалар бериш;

- ҳар ой якунида бандлиги таъминланмаган меҳнатга лаёқатли бўлган ва доимий даромад манбаига эга бўлмаган шахслар билан олиб борилган ишлар юзасидан ҳудудий профилактика инспекторига ёзма равишда маълумот тақдим этиш;
- йил якуни бўйича бандлиги таъминланмаган меҳнатга лаёқатли бўлган ва доимий даромад манбаига эга бўлмаган шахслар билан олиб борилган ишларни таҳлил қилади ва ижобий натижа эришилмаганда, белгиланган чора-тадбирларни қайта кўриб чиқиш.

б) жазони ижро этиш муассасасидан озод этилиб, ижтимоий мослаштиришга муҳтож бўлган шахсларга кўмак кўрсатиш бўйича амалга оширадиган ишлари:

- ҳудудий профилактика инспекторининг хулосаси асосида жазони ижро этиш муассасасидан озод этилиб, ижтимоий мослаштиришга муҳтож бўлган шахсларнинг рўйхатини шакллантириш;
- ушбу тоифадаги шахслар бўйича алоҳида йиғмажилд (хулоса, муҳокама баённомаси, кўрсатилган амалий ёрдамга оид ҳужжатлар, эришилган натижа бўйича маълумотнома) юритиш;
- уларнинг қобилияти ва касбий лаёқатини ўрганиш ва уларни ечимини топишга ваколати доирасида ҳар томонлама кўмаклашиш;
- жазони ижро этиш муассасасидан озод этилиб, ижтимоий мослаштиришга муҳтож бўлган шахслар билан яқка тартибдаги манзилли чора-тадбирларни белгилаш;
- жазони ижро этиш муассасасидан озод этилган шахсларга

“дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети”ни бериш бўйича барча зарурий чора-тадбирларни амалга ошириш;

- жазони ижро этиш муассасасидан озод этилган шахсларни ишга жойлаштириш бўйича манзилли чораларни кўриш, шу жумладан меҳнат ярмаркаларида иштирок этишини таъминлаш;
- жазони ижро этиш муассасасидан озод этилган шахсларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўргатувчи ўқув марказларига юбориш бўйича барча зарур ҳаракатларни амалга ошириш;
- жазони ижро этиш муассасасидан озод этилган шахсларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш;
- жазони ижро этиш муассасасидан озод этилган шахсларга дастурлар доирасида кредитлар олишга кўмаклашиш;
- тадбиркорлик фаолияти билан мустақил шуғулланиш тажрибасига эга бўлмаган жазони ижро этиш муассасасидан озод этилган шахсларни, ўз фаолиятини йўлга қўйиши учун етакчи тадбиркорларга бириктириш чораларини кўриш;
- жазони ижро этиш муассасасидан озод этилган шахсларга томорқаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, уй шароитида деҳқончилик, чорвачилик ва бошқа шу каби фаолият турларини йўлга қўйишга кўмаклашиш;
- жазони ижро этиш муассасасидан озод этилган шахсларга тадбиркорлик ва доимий даромад келтирувчи фаолият билан шуғулланиши учун қонунчиликда белгиланган тартибда субсидиялар олишда ёрдам кўрсатиш;

- жазони ижро этиш муассасасидан озод этилган шахсларга кичик интенсив боғдорчилик ва деҳқончилик билан шуғулланиши учун ер майдони ажратиш мақсадида қонунчиликда белгиланган тартибда тавсияномалар бериш;
- ҳар ой якунида жазони ижро этиш муассасасидан озод этилиб, ижтимоий мослаштиришга муҳтож бўлган шахслар билан олиб борилган ишлар юзасидан ҳудудий профилактика инспекторига ёзма равишда маълумот тақдим этиш;
- йил якуни бўйича жазони ижро этиш муассасасидан озод этилиб, ижтимоий мослаштиришга муҳтож бўлган шахслар билан олиб борилган ишларни таҳлил қилиш ва ижобий натижа эришилмаганда, белгиланган чора-тадбирларни қайта кўриб чиқиш.

в) турмушидан ажрашиб, ижтимоий оғир аҳволга тушиб қолган аёлларни ижтимоий мослаштириш бўйича амалга оширадиган ишлари:

- ҳудудий профилактика инспекторининг хулосаси ва маҳалла фаолларидан олинган маълумотлар асосида турмушидан ажрашиб, ижтимоий оғир аҳволга тушиб қолган аёлларни ижтимоий мослаштириш бўйича хотин-қизларнинг рўйхатини шакллантириш;
- ушбу тоифага кирувчи аёллар бўйича алоҳида йиғмажилд (хулоса, муҳокама баённомаси, кўрсатилган амалий ёрдамга оид ҳужжатлар, эришилган натижа бўйича маълумотнома) юритиш;
- уларнинг турмуш тарзини, оилавий шароитини, қобилияти ва касбий лаёқатини ўрганиш;

- турмушидан ажрашиб, ижтимоий оғир аҳволга тушиб қолган аёллар билан якка тартибдаги манзилли чора-тадбирларни белгилаш;
- ижтимоий оғир аҳволга тушиб қолган аёлларни ишга жойлаштириш бўйича манзилли чораларни кўриш, шу жумладан меҳнат ярмаркаларида иштирок этишини таъминлаш;
- ижтимоий оғир аҳволга тушиб қолган аёлларни касб-ҳунар ва тадбиркорликка ўргатувчи ўқув марказларига юбориш бўйича барча зарур ҳаракатларни амалга ошириш;
- ижтимоий оғир аҳволга тушиб қолган аёлларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилиш;
- ижтимоий оғир аҳволга тушиб қолган аёлларга дастурлар доирасида кредитлар олишга кўмаклашиш;
- тадбиркорлик фаолияти билан мустақил шуғулланиш тажрибасига эга бўлмаган ижтимоий оғир аҳволга тушиб қолган аёлларни, ўз фаолиятини йўлга қўйиши учун етакчи тадбиркорларга бириктириш чораларини кўриш;
- ижтимоий оғир аҳволга тушиб қолган аёлларга томорқаларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, уй шароитида деҳқончилик, чорвачилик ва бошқа шу каби фаолият турларини йўлга қўйишга кўмаклашиш;
- ижтимоий оғир аҳволга тушиб қолган аёлларга тадбиркорлик ва доимий даромад келтирувчи фаолият билан шуғулланиши учун қонунчиликда белгиланган тартибда субсидиялар олишда ёрдам кўрсатиш;
- ижтимоий оғир аҳволга тушиб қолган аёлларга кичик интенсив

боғдорчилик ва деҳқончилик билан шуғулланиши учун ер майдони ажратиш мақсадида қонунчиликда белгиланган тартибда тавсияномалар бериш;

- ҳар ой якунида турмушидан ажрашиб, ижтимоий оғир аҳволга тушиб қолган аёлларни ижтимоий мослаштириш бўйича олиб борилган ишлар юзасидан ҳудудий профилактика инспекторига ёзма равишда маълумот тақдим этиш;

- йил якуни бўйича турмушидан ажрашиб, ижтимоий оғир аҳволга тушиб қолган аёлларни ижтимоий мослаштириш юзасидан олиб борилган ишларни таҳлил қилиш ва ижобий натижа эришилмаганда, белгиланган чора-тадбирларни қайта кўриб чиқиш.

Создано с помощью онлайн сервиса Чек-лист | Эксперт: <https://checklists.expert>

как это убрать?